

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzf.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 13 июль • № 28 (1205)

## ТИББИЁТ ИСЛОҲОТЛАРИДАН ОДАМЛАР РОЗИМИ?

Парламентда ўтказилган эшитувда Соғлиқни сақлаш вазирлиги депутатларнинг ушбу саволига жавоб берди

Хабарингиз бор, 5 июль куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Соғлиқни сақлаш соҳасига оид ислохотлар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида”-ги ахборотини эшитган эдилар. Ҳўш, бугунги тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан одамлар қанчалик рози? Аввалги тиббиёт билан бугунги тиббиёт орасидаги кескин фарқ нималарда кўринади? Халқ саломатлигини сақлашнинг қандай янги механизмлари жорий этилмоқда? Худди шу каби кўплаб саволларга Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов атрофлича тўхталиб ўтди.



Таъкидлаш жоизки, охириги 2 йилда тизимига соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария, шошилинч ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган хизматлар сифатини ошириш, арзон ва сифатли дори-дармон ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

ликларининг қўшма келишуви билан:

биринчидан, бирламчи тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларда бириктирилган фуқарога битта қабул учун дори-дармон харажатлари ҚОП ва ҚВПда 3135 сўм (2017 йилда – 2425,0 сўм), марказий кўп тармоқли поликлиникаларда 4138 сўм (2017 йилда – 2124,0 сўм) миқдорига тенг тақсимланди.

иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизими стационар муассасаларида бажариладиган битта койка учун кун ҳисобидан келиб чиқиб, бюджетдан ажратилаётган маблағлар миқдори тенг улушларда режалаштирилди.

учинчидан, тез тиббий ёрдам муассасаларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар харажатларига маблағлар ҳар бир тиббий қақирув учун бир хил миқдорда, яъни 5000 сўм этиб белгиланди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилда ўртача 482,9 сўм, 2017 йилда 2 058,5 сўмни ташкил этган.

тўртинчидан, айнан дори воситалари қолдиқларини ҳисобга олиш бўйича янги тартиб жорий этилди, яъни жорий йил бошига муассасада мавжуд дори-дармон қолдиғининг норматив-

Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини сақлаб туриш, ходимларга иш ҳақи тўлаш, дори-дармон ва озик-овқат маҳсулотлари, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш харажатларига жорий йилда Давлат бюджетидан жами 9,6 трлн. сўм маблағ (2017 йилги 7,1 млрд. сўмга нисбатан ўсиш 1,4 баробарни ташкил этади) ажратилди.

2018 йилда соғлиқни сақлаш муассасаларига дори воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш учун ажратилган Давлат бюджети маблағларини мақсадли ва тенг миқдорларда тақсимлаш учун Молия ва Соғлиқни сақлаш вазир-

дан ортик қисми 2018 йилда чегириб қолинмайди ва ажратилган маблағлардан тўлиқ фойдаланиш имкони яратилди.

2018 йилнинг 5 ойида соҳага Давлат бюджетидан жами 3 трлн. 954 млрд. сўм маблағлар молиялаштирилди, шундан 3 трлн. 343 млрд. сўм маблағлар маҳаллий бюджетлардан ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасалари учун молиялаштирилди. 2017 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш қарийиб 1,2 бараварни ташкил қилди.

Ўтган 2016-2017 йиллар давомида 48 туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари, 11 та руҳий-асаб касалликлари шифохонаси, 64 та поликлиника, 29 та бошқа турдаги шифохоналарда қурилиш-таъмирлаш ишлари

тўлиқ яқунланиб, 152 та муассаса фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Обод қишлоқ дастури доирасида 102 та туманлардаги 161 та маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 175 та тиббиёт муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 74,4 млрд. сўм маблағ ажратилган. Бугунги кун ҳолатига кўра 13,4 млрд. сўмлик (18%) қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Шунингдек, Обод маҳалла дастури доирасида 57 та муассасада қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 71,4 млрд. сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида бакалаврият таълим йўналишлари ўқиш мuddатлари

7 йилдан 6 йил ва “тиббий профилактика” йўналишида 6 йилдан 5 йил қилиб белгиланди. Регионал қабул квотаси шакллантириш механизми жорий этилди. 2017 йилда 1180 та ва жорий йилда 1548 та квота шакллантирилди бу олдинги йилга нисбатан 31 фоизга оширилди.

Мақсадли тайёрланган тиббиёт кадрларининг 3 йилдан 10 йилгача мuddатда тегишли ҳудудларда ишлаб беришига оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 769-сонли “Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИС ТУМАНЛАРГА 15ТА «УАЗ» РУСУМЛИ ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАШИНАСИ ТОПШИРИЛДИ

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Кармана туманидаги “Металлург” сىҳаттоҳида вилоятнинг олис туманлари аҳолиси учун 15 та “УАЗ” русумли тез тиббий ёрдам машинасини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.



– Шошилинч ҳолатларда энг зарур воситалар билан жиҳозланган гуруҳнинг биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида чақирқ жойига тезкорлик билан етиб келиши муҳим аҳамиятга эга, – дейди Томди тумани тиббиёт бирлашмаси кўптармоқли марказий поликлиникаси катта ҳамшираси В. Сиббаева. – Янги тез тиббий ёрдам автомобиллари барча керакли буюм ва жиҳозлар билан таъминланган. Бу тиббий хизмат сифати ва самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Чекка туманлардаги асосий муаммолардан бири йўл муаммоси ҳисобланади. Айрим овулларга йилнинг баъзи мавсумларида етиб боришнинг иложи бўлмайди. Айниқса, бу тез тиббий ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилишига халақит беради. Шунини инобатга олиб, махсус ва шошилинч тиббий ёрдам хизмати иш қўламини ошириш мақсадида вилоятнинг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота ва Хатирчи туманларидаги қишлоқ врачлик пунктла-



рига узоқ масофага чидамли “УАЗ” русумли тез тиббий ёрдам автомобиллари берилди.

# ТИББИЁТ ИСЛОҲОТЛАРИДАН ОДАМЛАР РОЗИМИ?

## Парламентда ўтказилган эшитувда Соғлиқни сақлаш вазирлиги депутатларнинг ушбу саволига жавоб берди

қарори тасдиқланди.

Илмий ходимлар салоҳиятини ошириш мақсадида ОТМ ва ихтисослаштирилган марказларда тиббиёт фанлари бўйича 10 та илмий кенгаш ташкил этилди. Ҳозирги кунгача уларда 71 та дан ортик тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 30 та докторлик (DSc) ишлари ҳимоя қилинди.

Илмий грант ишларини бажариш натижасида соғлиқни сақлаш тизимида ихтиро ва фойдали моделларга 64 патент ва 40 дан ошқ ЭХМ дастурларга сертификатлар олинган. Ихтироларнинг яримидан кўпроқ янги жарроҳлик усуллари ва уларга тегишли мосламалар ёки инструментларни яратишга бағишланган. Ихтироларнинг тўртдан бири миқдорда касалликларни прогноزلash ва ташхислаш бўйича янги усуллар ишлаб чиқилган.

Худудларга республика тиббиёт муассасаларидан 134 нафар мутахассис раҳбар лавозимларига тайинланди.

Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида куйдаги ишлар амалга оширилди:

- қишлоқ врачлик пунктлари мақбуллаштирилиб, уларнинг сони 2895 тадан 819 тага қадар камайтирилди;

- ижтимоий дорихонаси, кундузги шифо ўринлари ва куну тун ишлайдиган тез тиббий ёрдам шахобчасига эга 793 та қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этилди ва 5 та йўналишдаги тор соҳа мутахассислари фаолияти таъминланди;

- қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатадиган тиббиёт ходимларини хизмат уй-ҳойи билан таъминлаш тартиби ишлаб чиқилди;

- қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктлари патронаж ҳамшираларининг йўл ҳаражатларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди;

- қишлоқ оилавий поликлиникалар тўғрисидаги низом, унинг таркибий тузилмаси, кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажми ва намунали жиҳозланиш ҳақлари тасдиқланди;

- қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларининг штат меъёрлари ишлаб чиқилди;

- 2017 йилда 53 та ҚОП ва ҚВП, 2018 йилда 165 та ҚОП, ҚВП, ОПДА қурилиш-реконструкция ишлари ўтказилди;

- ССВ тизими раҳбарларининг Парламент, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлири ҳамда МФЙда ҳисобот тизими йўлга қўйилди;

- Ижтимоий дорихоналар ва тез ёрдам шахобчалари фаолияти таъминланди;

- оилавий поликлиника ва туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг штат меъёрлари ишлаб чиқилди. Алоқадор вазирликлар билан 2017 йил 22 сентябрдаги ке-

лишувга мувофиқ оилавий поликлиникаларда 10 дан зиёд тор соҳа мутахассислари фаолияти таъминланди;

- бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг тез тиббий ёрдам хизмати ва стацио нар муассасалар билан узвий ҳамкорлиги тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди;

**Профилактик тадбирларни янада тақомиллаштириш мақсадида:**

- бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг тиббий ходимлари меҳнати самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими;

- “Маҳалла”, Мактабгача таълим, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимларининг қўшма қарори асосида ҳар бир МФЙларда “Саломатлик мактаби” ташкил қилиниб, Соғлом турмуш тарзини кенг оммага замонавий усулларда тарғиб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди;

- шифокор қабулига электрон эъиланиш ва “Электрон поликлиника” тизимига бошқичма-бошқич ўтилмоқда;

- шифокорларга 2,0 ставкада ишлаш ва нафақаларини тўлиқ олишга рухсат берилди.

- 2017 йилда 1232 донга тез тиббий ёрдам махсус автомашиналари харид қилинди ва жами автотранспорт воситалари сони 2383 тагача етказилди.

- Харид қилинган 1232 та автомашиналарнинг 1001 тасини “ДАМАС”, 140 таси “ХУНДАЙ” ҳамда 91 таси “НИССАН” автомашиналари ҳисобланади.

- Тез тиббий ёрдам хизматининг дори воситалари билан таъминоти 2016 йилда 4,8 млрд. сўм, 2017 йилда 9,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, 2018 йилда молиялаштириш миқдорини 19,2 млрд. сўмгача кўтариш ва ҳар бир қаҳриқча ишлатиладиган маблағ миқдорини 5000 сўмгача ошириш белгиланди;

- Бундан ташқари, ҳудудий соғлиқни сақлаш ва молия бошқармаларига тез тиббий ёрдам бригадалари ҳайдовчиларига уларга беморларни ташishi бўйича қўшимча равишда юклатилган функцияларни бажаргани учун тариф ставкасида 30 фоиз миқдорда устама тўлаш йўлга қўйилди.

- Республика шoshiлин тиббий ёрдам илмий марказининг тасдиқланган йиллик режага асосан бугунги кунга қадар, 7 та вилоятда (Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Хоразм ва ҚҚР) мутахассислар томонидан маҳорат дарслари, беморларни кўргазмалари кўриқдан ўтказиш ва мураккаб шoshiлин жарроҳлик амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилди. Жумладан, 2018 йил 5 ойи мобайнида РШТЕИМ ҳудудий филиалларида 15 та маҳорат дарслари, 89 та жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, 491 нафар беморлар кўриқдан ўтказилиб, тегишли тавсиялар берилди.

- **Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг натижадорлигини, сифатини ва ундан фойдаланиш тубдан ошириш мақсадида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июнь куни ПҚ-3071 “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши янада ривож-

лантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу Қарор билан акциядорлик жамиятлари шаклидаги республика марказлари давлат муассасаларига айлантирилди; айрим республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари этиб қайта номланди; республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари тиббий хизматлари кўрсатишнинг тегишли ихтисослаштирилган йўналишлари бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотлари этиб белгиланди.

Қўшимча ўта республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил қилиниб (онкология ва радиология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия), жами республикада ихтисослаштирилган тиббиёт марказлар сони 13 тани ташкил этди.

Жорий йилнинг 5 ойи давомида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг 2022 нафар етакчи ходимлари томонидан ҳудудлардаги 1841 та даволаш-профилактика муассасаларига таширф буюрилиб, 586 та маҳорат дарслари, 56 мингдан ортик аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди, 1671 та оператив муолажалар бажарилиб, шулардан 594 тасини юқори технологияли операциялар ташкил қилди.

Ҳисобот даврида ҳудудларга 209 нафар чет эл мутахассислари республикага тақлиф қилинди. 2017 йилнинг шу даврига нисбатан тиббий кўриқлар сони 8723 тага, операциялар сони 452 тага, юқори технологияли операциялар сони 289 тага, чет эллардан таширф буюрган мутахассислар сони 45 тага ошган. Республикада кардиохирургия хизмати алоҳида ўринга эга бўлиб, очқ юракда, шунингдек, юракни стендлаш ва коронарография амалиётлари бажарилмоқда.

Ўтган йиллар давомида бола туғилиши ва соғлом авлодни тарбиялаш, миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни, аҳоли умри давомийлиги ва сифатини ошириш борасида шароитларни яхшилаш бўйича узоқ муддатли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиб келинмоқда.

Жорий йилда оналар ўлими интенсив кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 фоизга, гўдаклар ўлими 2018 йилнинг 5 ойида республика бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 360 тага камайган.

Жорий йилнинг ушбу даврига қадар балоқидан ногиронлигини олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари томонидан 2018 йилнинг 5 ой давомида 301 минг нафар янги туғилган чақоқлар скрининг текширувларидан ўтказилди.

Республикада олиб борилаётган профилактик ва эпидемияга қарши мажмуавий чора-тадбирлар натижасида 2017 йил ҳамда 2018 йилнинг ўтган даври мобайнида ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларнинг республикамиз ҳудудига четдан кириб келиши ва тарқалишига йўл қўйилмади.

Миллий эмлаш календарига асосан вакциналар сотиб олиш

учун 2017 йилда 42 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2018 йил 105 млрд. сўм ажратилиб, биринчи мартаба Республика вакциналарга бўлган эҳтиёжини ўз ҳисобидан тўлиқ таъминланди. Миллий эмлаш календарига киририлган 12 турдаги юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари билан болаларнинг 99,8 фоиз қамраб олинди. Натижада 2001 йилдан буён дифтерия, 1996 йилдан буён полиомиелит, 2000 йилдан буён чақалоқлар қоқшоли, 2012 йилдан ҳозирги кунгача қизамиқ ва қизилча касалликлари рўйхатга олинмади.

2017 йилнинг ноябрь ойида ЖССТнинг “Ўзбекистон Республикаси қизамиқ ва қизилча касалликларидан ҳоли ҳудуд” эканлиги тўғрисидаги халқаро сертификатни қўлга киритилди.

2011 йилдан буён безгак касаллиги маҳаллий тарзда қайд этилмаган бўлиб, 2018 йилда ЖССТ ёрдамида “Ўзбекистон безгакдан ҳоли давлат” халқаро сертификатини олиш бўйича тадбирлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Европа минтақасидаги 16 давлат қаторида ОИВ инфекциясининг ондан болага юқishi бартараф қилинганлиги тўғрисидаги сертификатни 2018 йилда олиш арафасида турибди.

Бугунги кунда республикада фармацевтика тармоғида дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи жами 150 та корхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 84 таси дори воситалари ва 66 таси тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ушбу корхоналарнинг 123 тасини маҳаллий, 21 таси қўшма корхоналар ва 6 тасини чет эл корхоналари ташкил этади.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан таққиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш муддатлари янада қисқартирилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳажми ва асортименти оширилиши натижасида 2017 йилда 2016 йилга нисбатан маҳсулотларнинг импорти қарийб 7,0 фоизга камайди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 2000 йилларда 300 турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилда бу рақам 8 баробарга ортиб 2276 тани ташкил этмоқда.

Бугунги кунда улар томонидан импорт ўрини босувчи 200 хилдан ортик дори воситалари ишлаб чиқилиши режалаштирилмоқда.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2222 та ижтимоий дорихоналар ташкил этиш режалаштирилган. Бугунги кунга келиб, “Дори-дармон” ва унинг филиаллари томонидан ҳудудларда 2135 та ижтимоий дорихоналарнинг фаолияти йўлга қўйилди, 2018 йилда яна 87 дан ортик дорихоналар ташкил этилади.

ҚВП мавжуд бўлмаган тоғли, олис масофадаги этиб бориш қийин ҳудудлар аҳолисига махсус автотранспорт воситалари билан дори воситалари ва тиббий буюмлар етказиб берилди. Жумладан, ҳозирги кунда 13 та “Исузи” ва 100 та “Дамас” авто-

машиналари базасида республиканинг чекка ва олис ҳудудларида ижтимоий дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланди.

Жорий йилда асосий этибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги 3450-сонли қарорининг ижроси билан боғлиқ бўлди. Жумладан, 2018 йилнинг 26 май куни “AKFA MEDLINE” МЧЖ билан Жанубий Кореянинг ГАЧОНГ университети ўртасида биринчи хусусий олий тиббий таълим муассасасини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди.

Ўтган бир йил ичида 300 дан ортик хусусий тиббиёт ташкилотлари ўз фаолиятларини янги ихтисослик турлари ҳисобига кенгайтирди, 650 та янги ташкил этилиб уларнинг сони 4200 тадан ошди.

**Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ўз ечимини қутаётган муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилиши зарур.**

**Биринчидан,** 793 та қишлоқ оилавий поликлиниканинг асбоб-ускуналари, маънан эскирган бўлиб, уларни қайтадан жиҳозлаш лозим.

Бу борада Осиё тараққиёт банки консултанти томонидан лойиҳа смета ҳужжатлари ва лойиҳа доирасида харид қилиниши режалаштирилган асбоб-ускуналар техник талаблари тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда маҳаллий маслаҳатчилар лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш ишларини олиб бормоқдалар.

**Иккинчидан,** тез тиббий ёрдам хизматининг ихтисослаштирилган автотранспортларини тиббий ускуналар билан жиҳозланиш ҳолати талабга нисбатан 49,7 фоизни ташкил этади.

Бу борада “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида Жаҳон банкининг маблағлари ҳисобига 231 та реанимобилларни жиҳозлаш ишларини жорий йилнинг 1 сентябргача якунлаш чоралари қўрилмоқда.

Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам хизмати бригадаларини замонавий рақамли радио-алоқа воситалари (рациялар) ва GPS-навигация тизимлари билан тўлиқ жиҳозлаш ишлари ҳам йил якунигача бажарилиши кутилмоқда.

**Учинчидан,** туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг 46 та турмуқ бўлиmlари негизда туманлараро перинатал марказларни ташкил этиш ва зарур бўлган асбоб-ускуналар ва анжомлар билан жиҳозлаш масаласида маблағ манбалари аниқланмаган.

Ушбу масала юзасидан молиявий манбаларни аниқлаш бўйича Молия, Иқтисодий вазирликлари, Вазирлар Маҳкамиси ва Президент Девонига мурожаат қилинди ва молиявий манбалари аниқланмоқда.

**Туртинчидан,** ҳозирги кунда республика бўйича жами шифокорларга бўлган эҳтиёж 4398 тани ташкил қилади, шундан умумий амалиёт шифокорларига бўлган (Давоми 3-бетда).

# ТИББИЁТ ИСЛОҲОТЛАРИДАН ОДАМЛАР РОЗИМИ?

## Парламентда ўтказилган эшитувда Соғлиқни сақлаш вазирлиги депутатларнинг ушбу саволига жавоб берди

эҳтиёж 653 тани ва тор доирадаги мутахассисларга 3745 тани ташкил этади.

**Ечим:** Бу борада, 2017-2018 йил битирувчилар ҳисобидан 2018 йил сентябрь ойи якунигача 1908 нафари УАШ сифатида ишга жойлаштирилди. 653 нафар магистратура битирувчиси, 2733 нафар қайта тайёрлаш курслари битирувчиси тор доирадаги мутахассислари сифатида ишга жойлаштирилиши кутилмоқда.

Шунда 2018 йил якунига 359 та вакант жойлар сақланиб қолгани кутилмоқда.

**Бешинчидан,** 2018 йил дастур доирасида ва қўшимча тарзда киритилган 65 та объектларда ЛСҲлари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, экспертиза хулосаси олинмаганлиги, пудрат ташкилоти аниқланмаганлиги сабабли молиялаштириш очилмаган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 2 та, Андижон вилоятида 3 та, Бухорода 4 та, Жиззахда 8 та, Қашқадарёда 8 та, Навоийда 2 та, Наманганда 3 та, Самарқандда 5 та, Сурхондарёда 9 та, Сирдарёда 3 та, Тошкент вилоятида 6 та, Фарғонада 5 та, Хоразмда 3 та, Тошкент шаҳрида 4 та.

Юқоридаги мавжуд муаммо ва камчиликлардан келиб чиқиб, қўшимча равишда киритилган объектларнинг лойиҳасида ҳужжатларни қисқа муддатларда ишлаб чиқиш, экспертиза хулосасини олиш, пудрат ташкилотларини аниқлаш ва молиялаштиришни очиш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш масалаларини ҳудудий ҳокимликлар ўз зиммасига ва назоратига олиш зарур.

**Олтинчидан,** хусусий тиббиётдан ахсарият чекловлар олиб ташланди. Шундай бўлсада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сонли Қарори билан органлар трансплантацияси билан шуғулланиш, туғуруқни қабул қилиш, бир ёшгача бўлган гўдакларни ва венерик касал-

ликларни даволаш каби айрим тиббий йўналишларга чекловлар белгиланган. Бу чекловлар хориж инвестициясининг кириб келишига тўсиқ бўлмоқда.

**Ечим:** Хориж инвестициясини жалб этишни кучайтириш мақсадида хусусий тиббиётда чекловларни камайтириб, фақат ўта хавфли юқумли касалликларни даволаш билан боғлиқ йўналишларга чекловларни қолдириш лозим. Бошқа барча йўналишлардан чекловларни олиб ташлаш зарур.

**Еттинчидан,** хусусий тиббиёт учун тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган кредитларнинг фоиз ставкалари банд ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан ер ажратиш ёки давлат мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар мураккаблигича қолмоқда.

**Ечим:** тижорат банклари ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил этиш учун алоҳида имтиёзли кредит тармоқларини жорий этиш ва ер ажратиш ёки давлат мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш керак.

**Саккинчидан,** санитария эпидемиология хизматида бугунги кунда кадрлар таъминоти асосий муаммолардан биридир. Маънаф етишмаслиги оқибатида охириги 15-20 йиллар давомида туман ва шаҳар ДСЭНМ биноларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари ўтказилмай келинмоқда. Қолаверса, республика бўйича 9 та туман ДСЭНМ биноси йўқлиги сабабли, ижарада фаолият юритиб келмоқда.

Республиканинг барча маъмурий ҳудудларида автодеказмер ва махсус автомашиналар етарли эмас, мавжудлари ҳам эскириб кетган бўлиб, ўз вақтида касаллик ўчоқларига бориб эпидемиологик тадбирларни ўтказиши ва касаллик тарқалишини бартараф этилишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш ва хизматнинг келгусидаги ривожланиши бўйича концепция ва қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган манзилли дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

**Тўққизинчидан,** соғлиқни сақлаш муассасалари жорий фа-

олиятини узлуксиз таъминлаш ва давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига давлат харидларини ташкил этишда, айниқса дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари харидлари бўйича янгидан қабул қилинган "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун таллаблари ижросини ташкил этишда жойларда муаммолар келиб чиқмоқда.

Жумладан, махсус порталда буюртмани жойлаштириш учун буюртма дастлабки нарҳининг 3 фоиз миқдоридида закат тўловини тўлаш учун бюджетдан ташқари маблағлари мавжуд бўлмаган тиббиёт ташкилотлари харажатлар сметасида тегишли маблағларнинг мавжуд эмаслиги;

ортопедия маҳсулотларини сотиб олишда беморларнинг ўлчамлари индивидуал характерга эгаллигини ва фақат шу параметрларга мос материал ва қисмлар сотиб олиш зарурати туфайли махсус ахборот порталига индивидуал буюртмани жойлаштиришнинг имконияти йўқ;

бир вақтнинг ўзида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тасарруф қилувчи тиббиёт ташкилотлари битта СТИР ва электрон калит билан махсус электрон ахборот порталига давлат харидларини амалга ошириш учун буюртма беришнинг имконияти йўқлиги ва шу каби бошқа муаммолар аниқланди.

**Ечим:** Соғлиқни сақлаш вазирлигида жорий йил 27 июнь кунини махсус селектор йиғилиши ўтказилиб ушбу масалалар Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Газна-чилик ва Товар хом ашё бўлими вақиллари иштирокида муҳокама қилинди ва муаммоли масалалар ҳамда ечимлар юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилиб, 29 июнда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**Учинчидан,** ҳозирги кунда ноғиронлиқни белгилаш тизими, тартиб ва мезонлари эскирган бўлиб, коррупцияга сабаб бўладиган омилларни вужудга келтирмоқда, ноғиронлиқни белгилаш тартибини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш талаб этилмоқда.

**Ечим:** Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамасининг "ТМЭҚлар фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда киритилди.

**Ун биринчидан,** ноғиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонун мавжуд эмас. Амалдаги Ноғиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўлиқ акс эттирилмаган.

**Ечим:** «Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш масаласида ҳам бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд.**

**Биринчидан,** республикада фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга йўналтирилган ягона узоқ муддатли Концепция мавжуд эмас, натижада дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқариш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ва корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш, маҳаллий корхоналарни модернизация қилиш, янгиларини ташкил этиш масалаларида мувофиқлаштириш ва истиқболларини белгилаш масалалари ўз ечимини топмаган.

Ушбу муаммонинг ечимини сифатида ҳозирги кунда тегишли вазирлик ва идоралар, йирик фармацевтик корхоналар иштирокида фармацевтика тармоғини ривожлантириш Концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

**Иккинчидан,** фармацевтика бозорига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши 47 фоиздан ташкил этиб, бир қатор дори воситаларини ишлаб чиқариш бугунги кунгача йўлга қўйилмаган ва 100 фоиз импорт қилинади.

Жумладан, ўсма касалликларига қарши воситалар, диагностика воситалари, наркомания ва алкоголизмга қарши воситалар, стоматология воситалари, акушерства ва гинекологияда ишлатиладиган воситалар 100 фоиз импорт қилинмоқда.

**Учинчидан,** фармацевтика соҳасида кадрларни тайёрлаш,

қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари замонавий менежмент ва маркетинг талаблари ва халқаро стандартларга мос эмас.

Соҳага кадрларни тайёрлаш, назария ва амалиётни уйғунлашган ҳолда олиб бориш, яъни талабаларни ва мутахассисларни амалий тажрибасини йирик фармацевтика корхоналарида ошириш, таълим муассасаларини моддий-техника базасини мустақамлаш, замонавий асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларига илгор инновация технологияларини жорий қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майда "Соғлиқни сақлаш тизимини танқидлаш, замонавий ташкил этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш тўғрисида"ги Ф-5274-сонли фармойишлари қабул қилинди.

Ушбу фармон билан тасдиқланган Комиссиянинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари А. Даминов раислигида 18 майда ўтказилган йиғилиш 1-сонли баёни билан соғлиқни сақлашнинг турли йўналишлари бўйича 10 та ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ишчи гуруҳлар томонидан уларга бириктирилган йўналтирилган ва саволномаларга асосан тегишли тадбирларни амалга оширилди.

Комиссиянинг 2-сонли баёни билан жорий йилнинг 10 июлидан бошлаб, барча гуруҳларда амалга оширилган ишлар жамланиб, қуйидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланиши кўзда тутилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори;
3. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси;
4. Чора-тадбирлар режаси.

**Саҳифани  
Намоз ТОЛИПОВ  
тайёрлади.**

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ: АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН 086 ШАКЛДАГИ ТИББИЙ МАЪЛУМОТНОМА ПУЛЛАР ЭМАС!

**Шу кунларда юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида 2018/2019 ўқув йили учун қабул жараёни қизгин давом этмоқда. Олий ўқув юртига ўқишга кириб кетиш маълумоти бўлиб етишишни дилига туккан ҳар бир йигит-қиз ва фарзанди мустақил ҳаёт оstonасида турган ота-оналарнинг ҳажжони чексиз. Барча абитуриентларнинг дилида битта тилак: талабалар сафидан жой олиб, ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўлиб етишиш.**

Маълумки, олий ўқув юртраги ҳужжат топшириш ҳам анча масъулиятли жараён бўлиб, бунга жиддий таратдуд кўриш талаб этилади. Яъни, олий ўқув юртраги қабул комиссияларига ўрта ва ўрта махсус маълумот олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар билан бирга, саломатлиги ҳақида 086-х шаклдаги тиббий маълумотномани ҳам тақдим этиши лозим. Шу ўринда, ота-оналар ва ёшларда бундай маълумотномани қаердан олиш керак, қайси тиббиёт муассасаси-

га мурожаат қилиш керак, шифокорлар кўриги ва тахлиллар пуллими ёки бепул, деган саволлар туғилиши табиий.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 25 декабрдаги 777-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган 086-х шаклдаги тиббий маълумотнома амбулатор-поликлиника муассасаларида юритиладиган тиббий ҳужжат ҳисобланиб, уни юритишдан мақсад ёшларнинг саломатлик ҳолатини назоратдан ўтказишдир. Зеро, ўз олдига катта мақсадлар

қўйган, олий таълим олиб эл-юртага хизмат қилишга бел боғлаган йигит-қизлар, аввало, ҳар томонлама соғлом ва тетик бўлиши лозим.

086-х шаклдаги тиббий маълумотнома тўлдириш учун ёшлар терапевт, жарроҳ, невропатолог, эндокринолог, окулист, отоларинголог, стоматолог, дерматолог каби шифокорлар кўригидан ўтади. Рентген, флюорография, лаборатория тахлилларини топширади. Мазкур ҳужжатга профилактик эмлашлар ҳақидаги маълумотлар ҳам қайд этилади.

Кўриб турганингиздек, тиббий кўрик жараёни анча чуқур, тор мутахассислар текширувини талаб этади. Шу боис, бундай кўриклар асосан туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларда ташкил этилади. Ушбу бирламчи

тиббий-профилактика муассасаларида эса бундай тиббий текширувларни талаб даражасида ташкил этиш учун барча широклар яратилган. Тиббиётнинг турли соҳалари бўйича тор мутахассислар, замонавий лаборатория таҳлил ва диагностика воситалари тиббий кўрикларни талаб даражасида ташкил этишга замин яратмоқда. Барча абитуриентлар бу имкониятдан оқилона фойдаланиб саломатлигини тўлиқ текширувдан ўтказиши мумкин.

Энг муҳими: абитуриентлар учун тиббий кўриклар ва текширувлар, шунингдек, 086-х шаклдаги тиббий маълумотномани тўлдириб бериш бепул. Тиббий маълумотноманинг барча бандлари тегишли шифокорлар томонидан тўлдириб бўлинганидан кейин уни даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори

тасдиқлаб имзо қўйди ва ҳужжатнинг пастига тиббиёт муассасаси мўҳри босилди. Ана шундай талаблар асосида тўлдирилган 086-х шаклдаги тиббий маълумотнома абитуриентнинг саломатлик ҳолати ҳақидаги асосий ҳужжат бўлиб, у олий ўқув юртраги қабул комиссияларига тақдим этилади. Шу ўринда, эслатиб ўтиш лозимки, агар абитуриентлар ва ота-оналар бундай тиббий маълумотнома олиш учун орттича оворагарчиликка дуч келса ёки бу жараёнда пул талаб қилинса, тиббиёт муассасасида ташкил этилган "Ишонч телефонлари"га қўнғирқоч қилиб, ҳақ-ҳуқуқингизни талаб этишга ҳақлисиз.

**Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги  
Ахборот хизмати.**

Қарор ва ижро

Тошкент шахри

# МАСЪУЛИЯТ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Жорий йилнинг 3 июль куни яшнбод таманида жойлашган 32-сонли Оилавий поликлиникада патронаж хизмати, "Саломатлик мактаблари" фаолиятини намунали даражада шакллантириш, Қўшма қарор ижросини таъминлашда аҳоли ишлаш ва ҳужжатлар юритилишини тўғри ташкил этишда ижро интизоми масалаларига бағишланган очиқ эшиклар куни бўлиб ўтди.



Унда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Давлатимиз ҳамда Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъърий ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган фаолиятлар таҳлилий муҳокама қилинди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалиётга йўналтирилган буйруқлари асосида иш юритиш, ижро интизоми ҳамда унинг мониторинг натижаларини кузатиб бориш масалалари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, аҳолини сифатли патронаж тизими ва чуқурлаштирилган тиббий

кўрик билан қамраб олиш, соҳа ходимларининг масъулиятини ошириш, улар ўртасида устоз-шогирд аъёнларини кучайтириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

**Нилуфар РЎЗИЕВА,**  
Ўзбекистон  
Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий штаб масъули:

— Бугунги бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларида намунали "Саломатлик мактаблари"ни ташкил қилиш, шу билан бирга, аҳолининг патронаж тизими фаолиятдан хабардор-

лигини ошириш ва ўз саломатлигига бўлган эътиборини кучайтириш ишлари олиб борилаётганда, "Обод маҳалла" дастури доирасида амалга оширилаётган мазкур фаолиятлар жойларда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар мисолида ташкил этилмоқда. Мазкур йиғилиш эса фаолиятларимизнинг асоси, яъни ҳужжатларнинг тўғри юритилиши, унга мувофиқ тиббиёт ходимларининг функционал вазифасидан келиб чиққан ҳолда аҳоли билан ишлаш тартибини ўрганиш бўйича очиқ эшиклар кунига бағишланди. Шу асосда барча мутасаддиларга мавзу доирасида ижро интизомига оид тегишли тавсиялар берилди. Таъкидлаш керакки, бу сингари очиқ эшиклар кунини намунали деб юритиладиган ҳар битта оилавий поликлиникада ташкил этилиши зарур. Негаки, бу орқали натижалар ойдinлашади, ишлар самарадорлиги ортади. Шу боис, ушбу ислохотлар назорати Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган ишчи гуруҳи томонидан бир ҳафта давомида пойтахтимизнинг Яшнбод туманида кузатилди. Натижалар ёмон эмас, жумладан, ҳафта мобайнида 5 минг нафар аҳоли тиббий кўриққа қамраб олинди, 100 дан орტიқ хонадонларга тор соҳа мутахассисларининг ташрифи уюштирилди. Шулардан 30 та хонадонда истикомат қилувчи ижтимоий ҳимояга



муҳтож фуқароларга замонавий аппаратлар ёрдамида уй шароитида тиббий кўрик текширувлари ташкил қилинди. Шунингдек, 4 нафар ногиронлиги бўлган шахсга ногиронлик аравачаси тақдим этилди. Бундан кўзланган мақсад, аввало, халқимиз тиббий маданиятини юксалтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини олиб бориш ҳамда ҳудудларда намунали "Саломатлик мактаблари"ни шакллантириш, энг муҳими, ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар натижаси асосида оғир асоратларга олиб келувчи сурункали касалликларнинг олдини олишдан иборатдир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, поликлиникада яратилган шарт-шароитлар аҳолига манзур бўлмоқда. Айниқса, аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида саломатлик мавзуларини еслатма сифатида поликлиника ҳудуди бўйлаб ҳар соатда радио овозли шаклда эълон қилиб бориш тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, эътиборимизни тортган яна бир жиҳат, бош шифокор хонасида тезкор маълумотлар доскаси ташкил этилган. Унда белгиланган вазифалар бош шифокор назорати билан ўз вақтида амалга оширилади ва аҳолида эътирозлар туғилмайди.

Бектемир тумани

Ижтимоий акция

## АҲОЛИ ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУН

Президентимиз ҳар бир маърузаларида халқ биздан рози бўлсин, деган фикрни такрор ва такрор айтиб келмоқдалар. Шундай экан, бугун барча соҳада ушбу ибора ўз ифодасини топиб келмоқда, десак муболага бўлмайди. Жумладан, мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам аҳоли саломатлиги ва турмуш фаровонлигига бўлган эътиборнинг кенг қамраб олинаётганлигида фуқароларимизнинг тиббиётга бўлган ишончини жойларда бўлиб ўтаётган тадбирлар мисолида кўришимиз мумкин.

Кунини кеча тиббиётга оид ҳукумат доирасида ўтказилган йиғилишда аҳолининг кенг қатламига республикамизнинг етакчи клиникалари ва филиаллари, шунингдек, мавжуд шифо масканлари мутахассислари томонидан кўрсатилаётган саховатли ишлар тилга олиб ўтилди. Айниқса, йиғилишда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия ва кардиология илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарияти томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оила аъзоларига имтиёзли тарзда

операция жараёнлари амалга оширилганлиги алоҳида эътироф этилди. Албатта, бу каби ижобий мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин, бунинг баробарида, давлатимиз томонидан соҳага оид қабул қилинган меъърий ҳужжатлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари, Қўшма қарор асосида бирламчи тизим фаолиятида ўтказилаётган тиббий кўриклар қамрови халқимизнинг ушбу жараёндаги фаоллигини оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 6 июль куни Бектемир тумани ҳудудида жойлашган «Хусайн Байқаро» ҳамда

«Чашма» маҳаллаларида бўлиб ўтган кенг кўламдаги чуқурлаштирилган тиббий кўриқда 700 нафардан ортиқ аҳоли кенг қамраб олинди. Ушбу тадбирга Республика ихтисослаштирилган ва илмий марказларда фаолият юритаётган профессор ва малакали мутахассислар билан бир қаторда туман кўп тармоқли тиббиёт марказлари шифокорлари ҳам жалб этилди. Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари Эльмира Баситханова мазкур йўналишдаги фаолиятлар ва ундан кутилаётган натижалар ҳақида сўз юритди. Шунингдек, юқумли касалликларнинг олдини олиш, оилаларда соғлом турмуш тарзига амал қилиш, одамаларнинг ўз саломатлигига бўлган масъулиятини кучайтириш, энг муҳими, бу жараёнда биргина тиббиёт ходими эмас бутун жамоатчилик ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бориши



лозимлигини таъкидлаб ўтди. 290-умумтаълим мактаби ҳудудидан тиббий кўрик ўтказилиши учун ажратилган майдончага ташриф буюрар эканмиз, у ернинг аҳоли билан гавжумлигини кўриб, юритилаётган ислохотларнинг нақадар долзарблиги ва ўз вақтида амал-

га оширилаётганлигига амин бўлди. Мутахассисларнинг эса қўли-қўлига теккани йўқ, улар қабулида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёш кексалар. Биз умумий ҳолатни тўғри баҳолаш мақсадида соҳа ходимлари ва аҳоли вакилларини бирин-кетин сўхбатта тортдик.

Бобоқул ХАМРОКУЛОВ,

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази колопроктология бўлими катта шифокори, тиббиёт фанлари номзоди:

— Бугунги тиббий кўрик мисолида айтишим мумкинки, халқимизнинг тиббий маданияти, саломатлигига бўлган эътибори ортиб бормоқда. Бу албатта, яхши натижа. Сабаби, тиббиётнинг ўзгармас қоидасида келтирилганидек, касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро саломатлиги ҳақида, аввало, ўзи қайғурмоғи лозим. Ҳозирга қадар 55 нафарга яқин қабул ўтказдим. Шуларнинг орасида 3 нафар бош қисм терисидега онкологик ўзгариш, 2 нафар мелонома ва қизил ўнғач соҳаси, шунингдек, бошқа саратон хасталигига боғлиқ бўлган касалликлар аниқланди. Текширув ҳулосаларига қараб, 7 нафар фуқарони Тошкент шаҳар онкология диспансери ҳамда марказимизга операция учун 2 нафар беморга йўланма бердим. Биласизми, мутахассис сифатида айтишим мумкинки, аниқланган касалликларнинг аксарияти оддийгина эътиборсизликлар натижасида келиб чиққан. Агар ҳар бир киши бир йилда 2 марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтиб турса, бунинг баробарида кундалик ҳаёти давомида шахсий гигиена масалаларига жиддий аҳамият қаратса, бундай ҳолатлар юзга келмас эди.

(Давоми 5-бетда).



# АҲОЛИ ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУН



**Ахмат ДУРСУНОВ,**

**Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази профессори:**

– Ушбу кўрик жараёнида қабулимга кўпроқ катта ёшдагилар мурожаат қилишди. Уларда асосан умуртқа поғона, оёқ таянч бўғим, остеопароз, остеохондроз ҳамда жароҳат асоратларидан келиб чиққан касалликлар аниқланди. 3 нафар бемор операция қилиш учун марказга йўналтирилган бўлса, айримларига санаторийларга боришлари тавсия қилинди. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, мазкур ёшдаги фуқаролар бу каби касалликлардан фориғ бўлиши учун шифонада эмас, санаторийларда соғломлаштириш йўли билан саломатликларини тиклашлари мақсадга мувофиқдир. Агар касаллик ўз вақтида аниқланса, уни дори-дармон билан даволаш мумкин. Афсуски, айрим инсонлар касалликни ўтказиб, шифокорга кеч мурожаат қилишди ва унинг натижасида сурункали хасталикка айланиб, уни фақат соғломлаштириш йўли билан бартараф этишга тўғри келади. Ҳатто шу пайтгача травматолог мутахассисга мурожаат қилмаган онахон-отaxonларимиз ҳам учради. Ўйлайманки, ҳукуратимиз томонидан ташкил этилаётган бу каби кенг аудиториядаги тиббий кўриклар ўз натижасини беради.



**Дилором РАҲИМОВА,**

**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази катта илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори:**

– Ниҳоятда кенг қамраб олинган ушбу тиббий кўриқда аҳолининг кенг қатлами иштирок этганлиги ҳамда касаллиги тўғрисида маълумотга эга бўлган фуқароларни текширувдан ўтказиш жараёнида халқнинг саломатлигига бўлган эътибори мени бефарқ қолдирмади. Бунинг ифодаси сифатида айтмоқчиманки, Юқори Чирчиқ кўчасида яшовчи Зокиржон Салимбоев қабулимда бўлганда у кишида сурункали ўпка обструктив касаллигининг ўткир 3-даражаси кечаётганлиги маълум бўлди. Беморнинг шикоятига қараганда даво-муолажаларини вақтида қабул қилса-да, дарддан халос бўлиш ўрнига кундан-кунга нафас олиши қийинлашиб бормоқда экан. Зокиржон Салимбоевга ҳудуд шифокори томонидан тавсия этилган дори-дармонлар рўйхати ва уларни қабул қилиш тартибини кўриб чиққанмида, бемор учун даво-муолажаси нотўғри белгиланганлиги аён бўлди. Бемор билан суҳбатлашиб, касалликни бартараф этиш учун стандарт асосида даволаниш мақсадга мувофиқ эканлиги тушунтирилди. Шунингдек, қабулдаги барча фуқароларни ҳам тиббий кўриқдан ўтказиб, касалликка мойил беморлар аниқланиб уларга ҳам керакли маслаҳатлар берилди. Фаолиятимдаги кузатишларим ҳулосаси асосида айтишим мумкинки, аввало, ҳар бир мутахассис мурожаат қилган беморга аниқ ташхис қўйиб, даво-муолажаларини тўғри йўналтирса касаллик сурункали ҳолатга ўтиб кетмайди.



**Нилуфар ИСОМУҲАММЕДОВА,**

**Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассиси, тиббиёт фанлари номзоди:**

– Мамлакатимизда тиббиёт тизимига қаратилаётган эътибор натижасида нафақат пойтахтимиз, балки жойларда ўтказилаётган тиббий кўриқларда ҳам шу нарсасига гувоҳ бўляпмизки, аҳоли орасида герпес, зостер, аллергодерматит, папилломатоз, витилиго, тирноқлардаги замбуруғ ва гендерматоз каби касалликларнинг учраётганлиги соҳа мутахассисларини жиддий ўйлашга ундамоқда. Булар орасида юқумли хусусиятга эга бўлганларини даволаш жуда мураккаб. Бунинг учун, аввало, оилада соғлом муҳит барқарор бўлиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши талаб этилади. Бугунги тиббий кўриқда ҳудудда истиқомат қилувчи 100 нафардан ортиқ аҳоли саломатлигини текширувдан ўтказдим. Юқорида тилга олинган касалликлар катталар билан бир қаторда ёш болаларда ҳам кузатилаётгани мени ташвишлантирмоқда. Касаллик аниқланган фуқароларни марказга ҳамда ҳудудий тиббиёт муассасаларига боришларини тавсия қилдим. Таъкидлаш кераки, мазкур хасталиклар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, шу боис, аҳоли ўртасида бу борада профилактика ишлари кучайтирилиб, касалликлар тўғрисида чуқур маълумотлар берилиш мақсадга мувофиқдир.



**Зухра БЕКМУРОДОВА,**  
Катта ариқ кўчаси фуқароси  
(70 ёш):

– Аввало, ёшу кексалар саломатлиги учун қайғуриб, барча шароитларни муҳайё қилаётган давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлигимни йўлайман. Мен бугун саломатлик тadbрида инсонларнинг бир-бирига нисбатан аҳор-оқибати, муомала маданияти, айниқса, тиббиёт ходимларининг қарияларга бўлган чексиз меҳрини кўриб, бошим осмонга етди. Сабаби, қабул қилаётган шифокорларимизга навбат кутиб турган аҳолининг кўплиги, шунингдек, мутахассислар томонидан ҳар бир фуқарога илқлик билан муносабат кўрсатилаётганлиги барчамизни мамнун этди. Эндокринолог Саодат Ибрагимова, травматолог Ахмат Дурсунов ва УТТ шифокорлари қабулида бўлганимда, улар томонидан менда касаллик аломатлари йўқлиги айtilди. Кардиолог эса қон босимим ошиб турганлиги, бунинг учун врач тавсияларига амал қилишим зарурлигини тушунтирди.



4-5-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА ва Ҳасан АБДУҒАНИЕВ тайёрлади. Суратлар муаллифи Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

## МУНОСАБАТ ВА ФИКР

**Виолета ЛИ,**

**Юқори Чирчиқ ҳудуди маҳалласи фуқароси (36 ёш):**

– Аслини олганда соғлигимдан деярли шикоятим йўқ. Кейинги пайтларда поликлиникамиз ва оммавий ахборот воситаларида тиббий кўриклар тўғрисида тadbбирлар ҳамда курсатувлар бўлаётганлигини кўриб, Президентимиз томонидан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш учун бугунги соғломлаштириш тadbбирида иштирок этяпман. Мамнунлигим шундаки, мактаб биносига кириб келишда китоб ярмаркасининг ташкил этилганлиги диққатимни ўзига тортиди. Кўрик жараёнида илк бор рўйхатдан ўтиб, қон топширдим, сўнгра ЭКГ, УТТ аппаратларидан ўтдим, шунингдек, пойтахтимизнинг етакчи клиникларидан келган дерматовенеролог, онколог, невропатолог, травматолог, терапевт, эндокринолог, хирург сингари мутахассислар қабулида бўлдим. Мени ташвишга соладиган ҳеч қандай жиддий касаллик аниқланмади. Фақат ўнг қўлим ва елка қисмида оғриқ борлигини айтганимда травматолог остеохондроз касаллиги борлигини айтиб, керакли муолажалар буюрди. Бундай кўриклардан жуда мамнунимиз, Давлатимиз ва барча ташкилотчиларга раҳмат айтаман.

(Давоми. Боши 4-бетда).

## Жиззах вилояти

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАЪСИРЧАН КУЧИ  
ишдаги самарадорликни белгилайди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидagi Кўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг топшириғига асосан Жиззах вилояти Шароф Рашидов туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидagi тиббиёт муассасалари, мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида қарор ижроси қандай бажарилаётганлигига ойдинлик киритиш мақсадида куни кеча мазкур вилоятда бўлиб қайтдик.

Маълумки, жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, мактабгача таълим вазирликлари ва ўрта махсус касб-хунар таълим марказининг «Аҳолини

га саволлар билан мурожаат қилинди. Гуруҳдаги ўқувчилар соғлом турмуш тарзи нима, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, зарарли одатлардан сақланиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик каби саволларга тўлақонли тарзда жавоб берди. Сўнгра, китоб мутлаа қилаётган ёшлар билан суҳбатда бўлар эканмиз, уларнинг адаби-

ҳаллий ҳокимият ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мактабимизда таълим олаётган ўқувчиларни ҳар томонлама билимли бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ўқитувчи ва ўқувчиларга қарорнинг мазмун-моҳияти қанчалик чуқур эканлигини тушунириб, ўтган давр давомида меъёрий ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида унда кўрсатиб ўтилган талаблар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, ўқувчилар мавжуд тўғарақларга жалб қилинган бўлиб, мунтазам тарзда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Мутахассис сифатида айтиб ўтмоқчиманки, Президентимиз Шавкат



мақсадли патронаж билан қамраб олиш, уларда тиббий маданиятни шакллантириш ҳамда оила ва таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги Кўшма қарори қабул қилинган эди. Жиззах вилоятидаги ташрифимиз, аввало, вилоятнинг Шароф

ёғга қизиқиши, бадий китобларни севиб ўқишлари, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар миқёсида ўтказиб келинаётган мазкур йўналишдаги танловларда иштирок этиб, муносиб ўринларга сазовор бўлаётганлигини гувоҳчи бўлдик. Айниқса, 11-синф ўқувчиси Нозима Холжўраеванинг

Мирзиёевнинг китобхонлик маданиятини ривожлантиришдаги эзгу ғоялари мактабимиздаги ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи учун кундалик вазифага айланди. Шу ўринда айтишим лозимки, ҳудудимиздаги маҳалла фуқаролар йиғини, оилавий поликлиника, мактабгача таълим муассасалари

Президент, яна бири қурувчи, ҳайдовчи ва ўқитувчи бўламиз, дея қувонч билан гапиришди. Сўнгра, тадбир қатнашчилари иштирокида гуруҳларда ўтказилган машғулотлар билан яқиндан танишилди. Унда тарбиячи Раҳима Атабобоева ва Малика Абдуллаевалар болалар билан суҳбат

бериб келмоқдалар. Аввало, Юртбошимизга катта раҳмат. Муассасамиз қайта таъмирдан чиқарилиб, ҳокимлик ва ҳомийлар томонидан тўлиқ таъмирланиб, замонавий меъбел жихозлари билан таъминланди. Айни пайтда болаларимизни мароқлаевалар болалар билан суҳбат



Рашидов туманида жойлашган 12-сонли умумтаълим мактабидан бошланди. Муассаса биносига кириб борар эканмиз, у ердаги табиат манзаралари, саранжом-саришталлик, "Саломатлик мактаби" моҳиятини тушуниб етган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятлар билан машғул эканликларини кўрдик. Аввало, мактаб ўқувчиларининг тўғарақларда фаол иштирок этиб, ўзларининг истеъодларини намойиш этаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Шахмат-шашка, кулолчилик, тасвирли санъат, ҳунармандчилик, спортнинг турли йўналишлари, китоб мутлааси, саломатлик тўғарақлари бўйича олиб борилаётган жараёнлар билан танишдик.

"Жаҳолатга қарши маърифат" бўйича ижодий иши вилоят миқёсида фахрли ўринга эга бўлганлигини устозлари фахр билан тилга олди. Бир гуруҳ ўқувчиларнинг шахмат-шашка тури бўйича беллашувини кўриб, улардаги ақл-заковат, манتيқий фикрлаш ҳамда дунёқарши кенглиги эътиборимизни тортди. Шунингдек, спортнинг каратэ йўналишида шугулланаётган жажжи болажонларнинг машғулотларда маҳоратига қараб, келажакда бу йигит-қизлардан ҳам жаҳон чемпионолари чиқишига ишончимиз ортди.

**Шоира КАМОЛОВА,**  
12-сонли умумтаълим мактаби директорининг маънавият ва маърифат бўйича ўринбосари:

— Кўшма қарор лойиҳасининг қабул қилинганлиги кенг жамоатчиликни ҳамкорликда ишлашга ундаётганлиги мақсадлар бирлигини кўрсатмоқда.

Ушбу қарор ижросига таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида жойларда вазирликлар, ма-

билан биргаликда ишлаётганлигимиз ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Тиббиёт ходимлари томонидан ўқувчиларимиз тиббий-кўриқдан ўтказиб борилмоқда. Айниқса, ўспирин йигит-қизлар саломатлигига катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, саломатлик мактаблари мониторинги бўйича ҳафтанинг шанба куни ўтказилади кичинтойлар ҳам фаоллар қаторида иштирок этиб, ҳафта давомида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар хусусида келишиб олинаётганлиги ҳам ишимизда самара бермоқда.

Кейинги манзилмиш тумандаги 22-сонли мактабгача таълим муассасасида бўлди. Кичинтойлар масканига кириб борар эканмиз, бир-бирдан ширин, кийимли ўзига ярашган жажжи болажонлар қўллари кўксиди, ёшларига монанд бегуборлик билан кутиб олишди. Ишчи гуруҳимиз бирин-кетин кичинтойларимизга келажакда ким бўласиз, дейишганда бири шифокор, бири

ўтказиб, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, маънавий тарбия, меҳмон қутуш одоби, атроф-муҳитни асраш бўйича болалар билимини синовдан ўтказдилар. Жажжи кичинтойлар ҳар бир саволларга тезкорлик билан жавоб бериб, сахнавий кўринишларни ижро этишди. Беихтиёр хурсанд бўлиб кетасан киши. Улардаги қизиқувчанлик, гапга чечанлик ҳамда шеврий мисраларни маҳорат билан ижро этишлари эртами эгаларининг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатиб турибди. Шундан сўнг, муассаса ҳамшираси кичинтойларимиз билан биргаликда саломатлик машғулотларини олиб борди.

**Гулчехра ТҮЙЧИЕВА,**  
22-сонли мактабгача тарбия муассасаси мудири:  
— Муассасамиз 90 ўринга мўлжалланган бўлиб, 7 нафар тарбиячи, 10 нафар ёрдамчи тарбиячи, 2 нафар ҳамшира болажонларимизга таълим ва тарбия

махсус ўйингоҳлар қурилиши давом этмоқда. Кўшма қарорнинг қабул қилиниши жамоамиз ходимлари ҳамда фарзандларимиз саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Тиббий-кўриқлар ўтказилиб, тарбияланувчилар саломатлиги доимий назорат қилинмоқда. Ишонамки, ҳамкорликдаги фаолиятимиз келажак авлодларимиз соғлом ва баркамол ўсishларида ўзининг юксак натижаларини кўрсатади.

Ишчи гуруҳ тумандаги 21-сонли кишлоқ оилавий поликлиникасида бўлиб, у ердаги фаолиятлар, айниқса, тиббиёт ходимлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат, шунингдек, меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши бўйича олиб борилаётган ишларни кўздан кеңиришди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидagi Кўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳри,

(Давоми 7-бетда).

# ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАЪСИРЧАН КУЧИ ишдаги самарадорликни белгилайди

Сирдарё ва Тошкент вилоятлари кесимидаги мониторинг гуруҳи раҳбари Саодат Ҳамидова поликлиникадаги умумий амалиёт шифокорлари, патронаж ҳамширалар ҳамда "Тез ёрдам" бўйича иш олиб бораётган мутахассислар фаолияти билан кўздан танишиб, Ҳукуматимиз қарорлари, Қўшма қарор ва вазирикнинг буйруқлари ижроси қай тарзда амалга оширилаётганини кўздан кечирди. Бунинг баробарида шифокор ва ҳамширалардан зарурий меърий-ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти бўйича уларнинг назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказди. Афсуски, бу борада айрим мутахассислар билимларининг етар-

ломатлигига катта эътибор қаратаётганликларини алоҳида тилга олдилар. Шароф Рашидов номидаги туман тиббиёт бирлашмасида ишчи гуруҳи томонидан туман тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган мутахассислар учун семинар бўлиб ўтди. Гуруҳ раҳбари Саодат Ҳамидова фаолиятдаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда шифо масканларида хизмат қилаётган ҳар бир ходим соҳага оид меърий ва ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тўлиқ таъминлаши, самарали ва мақсадли фойдаланиши, шунингдек, ҳар бир ҳужжат раҳбар столида эмас, балки қўйи тизимдаги барча мутахассисларга етказилган бўлиши, унинг

меърий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўралганда айрим ходимлар томонидан тўлақонли жавоблар олинмади. Гуруҳ раҳбари Саодат Ҳамидова жойлардаги мониторинг гуруҳларининг иш олиб боришлари қоникарли эмаслиги, бунинг учун алоҳида буйруқ ишлаб чиқилганлиги ва унга амал қилиш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Ишчи гуруҳ аъзоси Нилуфар Рўзиева йиғилишда сўз олиб, «Саломатлик мактаби» вазифалари нималардан иборат эканлиги, қандай амалга ошириши, нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳусусида ўз фикрларини билдириб ўтди. Айниқса, репродуктив саломатлик, Қўшма қарор ижроси, патронаж тизимини манзилли



ли эмаслиги кўзга ташланди. Қабул қилган аҳоли билан суҳбатлашганимизда улар кўрсатилаётган тиббий хизматлардан унумли фойдаланаётганликларини, шифокор ва ҳамширалар хонадонларга тез-тез ташриф буюриб, оила аъзоларининг са-

асосида ишлар ташкил этилиши таъкидлаб ўтди. Лекин шундай бўлса-да, ижро интизомида қатор камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланаётганлиги, топшириқларни ўз вақтида сифатли бажарилишига масъулият ва шахсий жавобгарлик нуқтаи назари билан қараш лозимлиги кенг ургу берди. Семинар давомида мутахассисларга қабул қилинган

ўтказиш каби масалаларга атрофлича тўхтади. Ишчи гуруҳ туман тиббиёт бирлашмасидаги туғруқ мажмуасининг фаолияти билан танишар экан, у ердаги фаолиятлар яхши йўлга қўйилганлигини ва туғруқлар стандартлар асосида олиб борилаётганини кўздан кечириб, ишлар талаб даражасида ташкил этилаётганлигини эътироф этдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур тумандаги фаолиятлар кўздан кечирилган экан, ютуқли натижалар қаторида ўз ечимини кутаётган айрим масалаларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат замирида инсон саломатлиги, турмуш фаровонлиги ва унинг тақдири ётганлигини унутмаслигимиз керак. Бунда биргина тиббиёт ходим эмас, балки кенг жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги ўрни ва таъсирчан кучи лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ибодат СОАТОВА.  
Муаллиф олган суратлар.

(Даъми. Боши 6-бетда).

## Республиканский наркологический центр

# ВЕРНУТЬ ЧЕЛОВЕКА К ПОЛНОЦЕННОЙ ЖИЗНИ

**Наркомания является страшным злом, несущим угрозу всему человечеству. К великому сожалению, люди, страдающие этим смертельно опасным недугом, оказываются не в состоянии приносить пользу обществу, семье, а наоборот, они становятся источником боли и страдания не только для себя, но и для родных, и близких.**

Однако не стоит отчаиваться, терять надежду. Ибо мир не без добрых людей. Вернуться к счастливой жизни, вновь обрести доверие окружающих, в этом им готовы помочь опытные врачи и специалисты Республиканского наркологического центра (РНЦ). Созданное на основании соответствующего постановления правительства, специализированное учреждение, расположенное в Куйбырском районе столичной области осуществляет лечебную и реабилитационную деятельность в сфере наркологии, занимается координацией и мониторингом, а также методическим руководством разветвленной сети наркологической службой страны.

В целях вовлечения пациентов к занятиям по физической культуре и спорта в центре созданы все необходимые условия. Имеются: спортивный комплекс, футбольный стадион, теннисный корт. Врачи и специалисты центра оказывают обратившимся лечебно-диагностическую, профилактическую и реабилитационную помощь, проводят широкую разъяснительную работу среди населения. Они активно участвуют в передачах радиоканала «Ешлар», «Узбекистон», «Машъал», «Орият доно». Выступают перед зрителями телеканалов «Узбекистон», «Ешлар», «Тошкент», «Махалла». Регулярно публикуют статьи, посвященные профилактике наркомании, алкоголизма, курения и токсикомании в периодических изданиях и на интернет-сайтах.

РНЦ оказывает организационно-ме-

тодическую и консультативную помощь наркологическим учреждениям страны. На его базе проходят практическое обучение педагоги и специалисты со всех регионов страны. В целях освоения приобретенных навыков и знаний проводятся ролевые игры, тренинги и дискуссии. Уделяется внимание внедрению передовых информационных технологий, и научных достижений. Здесь стоит отметить заслуги молодых ученых Козима Тошпулатова и Амира Рашидова, занимающихся исследованиями в сфере профилактики токсикомании, борьбы со злоупотреблениями малоизвестных видов наркотических веществ, лекарственных сборов, настоек и препаратов, завозимых в страну из-за рубежа.

В РНЦ базируются профильные кафедры Ташкентской медицинской академии и Ташкентского санитарно-педагогического института. Здесь проводятся занятия, посвященные укреплению здоровья населения, организации и управления здравоохранением, развитию медицинской психологии и педагогики. Также оказывается методическая помощь слушателям кафедры психотерапии и наркологии Ташкентского института усовершенствования врачей.

— Пару лет назад попал под влияние так называемых «друзей» из числа сверстников пристрастился к марихуане, — рассказывает 20-летняя жительница города Ташкента «Н». — Все это про-



изошло как-то быстро и спонтанно. Я не сразу поняла, что стала наркозависимой. Со временем от меня отвернулись не только коллеги и знакомые, но и родные, близкие. Попав в сложнейшее положение, обратилась за помощью к врачам Республиканского наркологического центра. К моему счастью, еще не все было потеряно. Волшебники в белых халатах спасли меня, вернули в родную семью, к полноценной жизни. За это я им выражаю безграничную благодарность. Сегодня призываю молодежь не прибегать к наркотикам, алкоголизму, курению, заниматься спортом, вести здоровый образ жизни.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Фото автора.

## Обод маҳалла дастури амалда

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ  
ТУРМУШ ОБОДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Ватан остонадан, ободликка йўл – кўнгилдан бошланади. Кўнгилмизга тукканмиз эса Юрт ободлиги, турмуш фаровонлигига эришишдир. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида "Обод маҳалла" дастури асосида амалга оширилаётган фаолиятлар ушбу эзгу мақсадларимиз билан ўзвий ҳамохандир. Эътиборлиси, мазкур жараёнда соғлиқни сақлаш тизимидаги Оилавий поликлиникалар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 51-сонли Оилавий поликлиника томонидан ўтказилаётган тиббий кўриklar хусусида ҳам ана шундай дейиш мумкин. Айтиш кераки, ушбу тиббиёт муассаси "Обод маҳалла" дастурида белгиланган ва-

Жорий йилнинг 7 июль куни ўтказилган тиббий кўрикка 116 нафар аҳоли қамраб олинди.

Унда маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари, худуддаги "Саломатлик мактаби" фаоллари, қолаверса, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, гинеколог, окулист, ЛОР шифокорлари иш-

морга поликлиника қошидаги кундузги шифохонага йўланма берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламида аниқланган бирламчи касаллиги бўлган шахслар диспансер назоратида олиниб, уларни соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бундан ташқари, 3 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва 5 нафар ётоқли беморга уй шароитида УТТ, лаборатория текшируви ҳамда тор соҳа мутахассислар кўриги ташкил этилди.

**Дилором ТЎХТАХОДЖАЕВА,**  
"Хусниобод" маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси:  
– Уйлайманки, аҳоли саломат-

билдирамиз.

– "Хусниобод" маҳалла фуқаролар йиғинида умумий 7 минг 500 нафардан ортиқ аҳоли яшайди, – дейди умумий амалиёт шифокори Нигора Ходиева. – Шулардан, 3 минг 625 нафарини аёллар, 1 минг 446 нафарини туғиш ёшдаги аёллар, 18 ёшгача болалар 1 минг 953 нафарни ташкил қилади. Айни пайтда мамлакатимизда халқимиз саломатлигини таъминлашга қаратилган эътибор натижасида поликлиникамизнинг иш режасига мувофиқ, ўтган 6 ой давомида "Хусниобод" маҳалласи миқёсида 1 минг 478 нафар аҳоли тиббий кўриқдан



зиқфалар ижросини таъминлаш мақсадида поликлиника рўйхатида олинган маҳаллаларда чўқурлаштирилган тиббий кўриklar ташкил этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Патронаж ишларини жадаллаштириш тўрисида"ги тегишли кўрсатма хатига асосан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича фуқароларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш режаси тузилиб, унга кўра ҳар бир хонадонга умумий амалиёт шифокори, тор соҳа мутахассислари ва патронаж ҳамширалари ташифи йўлга қўйилмоқда. Ана шундай тадбирларнинг навбатдаги манзили "Обод маҳалла" дастурига киритилган "Хусниобод" маҳалла фуқаролар йиғини бўлди.

тирок этиб, мутахассислар томонидан лаборатория, умумий қон ва пешоб таҳлили ва УТТ, ЭКГ текширувлари ўтказилди.

– Мазкур жараёнга барча мутахассисларимиз жалб этилиб, шифокор ёрдами зарур бўлган аҳоли вакиллари ҳолатидан келиб чиқиб, тиббий кўрик учун поликлиникага таклиф қилинди ёки улар хонадонига ташриф уюштирилди, – дейди 51-сонли Оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова. – Мутахассислар кўрсатмаси инобат олиниб, беморларнинг амбулатор ва шифохона шароитида даволаниши ташкиллаштирилди. Хонадонларга ташриф жараёнида аниқланган муаммолар юзасидан, энг аввало, маҳалла фуқаролар йиғинига хабар берилмоқда. Тиббий кўрик мобайнида 14 та бирламчи касаланиш аниқланиб, 3 нафар бе-

лигини таъминлаш масаласига дунёнинг бирорта давлатида мамлакатимизда бўлганидек эътибор қаратилмас керак. Ўз ўрнида бу гамхўрликдан одамларнинг тиббиётга, соғлиқни сақлаш тизими ходимларига ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, бугунгидек чўқурлаштирилган тиббий кўриklarнинг маҳалла ҳудудига келиб ўтказилиши, бемор эмас шифокор беморнинг олдири бориши, шубҳасиз, жаҳон тажрибасида ҳам қузатилмайди. Шифокорларимизнинг ташаббуси билан халқимизнинг ҳам тиббий маданияти юксалиб, саломатлигига бўлган масъулияти ортиб бормоқда. Ўз вақтида кўрсатилаётган сифатли тиббий ёрдам учун, аввало, Юртбошимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда 51-сонли Оилавий поликлиника мутасаддиларига миннатдорлик

ўтказилди. 125 нафар бемор амбулатор, 32 нафар бемор уй шароитида стационар кўриқинида даволанди. Айтиш кераки, бу каби тиббий кўриklar нафақат аҳоли, балки бизнинг иш фаолиятимиз учун ҳам кўплаб қулайликлар яратмоқда. Сабаби, бундан олинган натижалар ҳамда хулосалар кел-

гусидаги вазифаларимизни белгилаб олишда дастуриламал бўлмоқда. Яъни қайси ҳудудда нималарга эътибор бериш лозим, қайси хонадон билан мунтазам ишлаш талаб этилади, буларнинг барчасини олдиндан аниқлаш ва режалаштириш имконини бермоқда.

**Дарҳақиқат, мазкур амалиётлар ҳозирдан ўзининг натижасини кўрсатмоқда. Режали ишлаш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган янги ҳақиқатларга эришиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини асраш, бу орқали уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Тадбир давомида маҳалла фуқаролари учун "Ўтқир юкумли ичак касалликларининг олдини олиш" мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди ва мавзуга доир саволларга муассаса шифокори Лола Тилаганова томонидан атрафлича жавоб берилди.**

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

## ШИФОКОРЛАРНИНГ ЭЗГУ ТАШАББУСИ

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, сенатор Солижон Мўминов бошчилигидаги бир қатор тиббиёт муассасалари раҳбарларидан иборат гуруҳ маҳаллаларда бўлиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан бевосита мулоқот асосида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий чоралар кўрмоқда.

Гуруҳнинг навбатдаги ташрифи Наманган шаҳрининг Чинор маҳалласидаги Лангар кўчаси 13-уйда яшовчи Б. Файзуллаевлар хонадонига бўлди.

– Хонадон соҳиблари ҳар томонлама кўмакка, меҳр-муруватга муҳтож, – дейди "Чинор" маҳалла фуқаролар йиғини мутахассиси Г. Абдурахимова. – Чўнқи, оила бошлиғи Баҳодир Файзуллаев бир неча йил

аввал инсульт туфайли ҳаста бўлиб қолган. Унинг турмуш ўртоғи Муҳаррамжон опа ҳам жигар ҳасталиги билан бир ярим йилдирки, тўшақка михланиб ётибди. Уларнинг 23 ёшли ўғли Баҳромжон тугма юрак нуқсонидан дарди билан азоб чекиб келади. Оилада бир ўғил – Фахриддингина ишлайди. Яна бир жиҳати, ушбу сохили мазкур хонадонда икки ака-уканинг 13 кишидан иборат оиласи сиқи-

лишиб ашайди.

С. Мўминов дастлаб беморлар билан суҳбатлашди, уларнинг саломатлиги хусусида шикоятларини тинглади ва ўтган давр мобайнида турли шифохоналардан берилган тиббий хулосалар билан танишди.

Шундан сўнг кардиолог, невропатолог, гастроэнтеролог, инфекционист каби бир қатор соҳа мутахассислари томонидан беморларнинг айна пайтдаги аҳоли ўрганилди ва тегишли хулосалар берилди. Унга кўра, 47-Наманган вилояти бош тиббий меҳнат экспертиза комиссияси раҳбари томонидан бемор М. Мўминов-

вага ногиронлик гуруҳи берилиши юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилди. Навқирон ёшида юрак ҳасталиги билан азият чекаётган Баҳромжон эса шу куннинг ўзида шифохонага ётқизилди ва қайта чўқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, стационар даволашга киришилди.

– Биз ишчи гуруҳлар билан туманларда, маҳаллаларда юриб, шу каби ночор оилалар саломатлигини тиклашда давлат томонида кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи С. Мўминов. – Йил бошидан буён

бир неча ўнлаб шундай ижтимоий кўмакка ўта муҳтож оилаларнинг тиббий кўриқдан ўқизиш, даволаш бўйича амалий ишлар қилдик. Бу ишни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш мақсадида бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамкорлигида хатлов ўтказиб, шундай оилалар рўйхатини шакллантириш устида иш бошладик. Аниқ манзилли ёрдам кўрсатиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.

Акромжон САТТОРОВ,  
ЎЗА.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини  
рўйхатта олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 2844 нусха.  
Буюртма Г-737.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ, Формати А3, Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.